

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 185 (9.988)

2003 ЙИЛ 19 СЕНТЯБРЬ

ПРЕЗИДЕНТ ЯЛТАГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримов 18 сентябрь куни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида иштирок этиш учун Украинанинг Ялта шаҳрига жўнаб кетди.


Тошкент аэропортида Президент Ислоом Каримов оммавий ахборот воситалари вакиллари учун интервью берди.

— Одатда, олий даражадаги учрашувларда муайян муаммоларни ҳал қилиш борасида давлатларнинг ёндошувларини умумлаштириш кўзда тутилади, — деди, жумладан, Ислоом Каримов. — МДХ Давлат раҳбарларининг Ялта шаҳрида ўтқазилган бугунги саммити ҳам бундан мустасно эмас. Унда ҳам ана шундай ечимини кутаётган масалалар юзасидан фикр алмашилди. Хусусан, бу йил МДХ ташкил топганига ўн икки йил тўлади. Учрашувда шу ўтган давр мобайнида тузилма доирасида қилинган ишлар ва олдинда турган вазифалар, ҳал қилинмаган муаммолар хусусида фикр алмашилди.

Жорий йилда МДХ саммити учинчи бор ўтказилмоқда. Биринчиси январ ойида Киевда, иккинчиси майда Санкт-Петербургда бўлиб ўтган эди. Хозир МДХга Украина раислик қилмоқда. Ялта саммитида президентлар МДХнинг 2010 йилгача самарали иқтисодий фаолиятини таъминлаш учун кўриладиган чора-тадбирлар режасини қабул қилиши кутилмоқда. Мазкур ҳужжатни ишлаб чиқиш тўғрисида ўтган йили Кишинёв саммитида қарор қилинган эди.

Ў.А.

Тошкент Матбаа комбинатида Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги ва Япониянинг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида ишга туширилган янги матбаа мажмуининг тақдироти бўлиб ўтди.



ЯНГИ МАТБАА МАЖМУИ

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда Президент Ислоом Каримов раҳнамолигида нашриёт-матбаа соҳасини янада ривожлантиришга катта эътибор берилётганини таъкидлади.

Мазкур корхонага Япония ҳукумати ажратган бегараз молиявий ёрдам асосида ўрнатилган Германиянинг «Manugraph» русумли ускунаси соатига тўрт хил рангда 30 минг нуска газета-журнал, китоб ва бошқа матбаа маҳсулотлари босиш имкониятига эга.

— Ўзбекистон фахрланса арзийдиган қўхна тарих ва бой маданиятга эга, — деди Япониянинг юртимиздаги Фавкуллодда ва Мухтор эл-

чиси Акио Каваато ЎЗА муҳбирига. — Буларнинг ҳаммасини халқингизга, айниқса, ёшларингиз оғ-шуурига нечоғлик аниқ ва пухта етказишда матбаа муҳим ўрин тутди. Япония гранти асосида ўрнатилган ушбу ускуналар мажмуаси ана шу максатда хизмат қилади. Улар газета ва журналлардан ташқари, ранг-баранг китоблар, дарсликлар чоп этиш учун ҳам мўлжалланган.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов иштирок этди.

СУРАТДА: янги матбаа мажмуасида. Дилшод ЮСУПОВ (ЎЗА) олган сурат.

БОЖХОНА ИНСТИТУТИДАГИ ОЧИҚ МУЛОҚОТ

Мамлакатимиз ички бозорини ҳимоялаш, иқтисодий фаолият қатнашчиларига қулайликлар яратиш, божхона ҳужжатларини расмийлаштириш билан боғлиқ идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш муҳим вазифалардандир.

Олий ҳарбий божхона институтида божхона ходимларининг тадбиркорлар билан бўлиб ўтган учрашувида шу ҳақда гап борди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 майда қабул қилинган «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келиниши тартибга солиш

тўғрисида»ги қарориди бу борда олиб борилиши зарур барча вазифалар белгилаб берилган.

Ҳужжатда республикамиз ҳудудига жисмоний шахслар томонидан товарларни импорт қилишни тартибга солиш ва ички бозорни ноқонуний олиб қирладиган товарлардан ҳимоялаш, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга эришиш бош мақ-

сад қилиб кўйилган. Божхона органлари олдидан турган асосий вазифалардан бири товарлар контрабандасига қарши курашни янада кучайтиришдан иборат.

Очиқ мулоқот тарзида ўтган учрашувда тадбиркорларга янада қулай шарт-шароит яратиш, ўрта ва кичик бизнесни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини ошириш билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Ў.А.

ПОЙТАХТНИНГ Бир кўни

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСКА

● **КЕЧА** «Олимпия шон-шухрати» музейида Таиланднинг спорт вазири ўринбосари Сузуки хоним бошчилигидаги делегация аъзолари журналистлар билан матбуот анжуманини ўтказди.

● **КЕЧА** Ҳамза туман ҳокимлигида «Жиноятчиликнинг олдини олишда маҳалланинг ўрни» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда маҳалла оқсоқоллари, хотин-қизлар комиссиялари раислари, милиция нозилари, маҳалла сардорлари иштирок этди.

● **СОҒЛИҚНИ** сақлаш тизимини янада ривож-

лантиришда информа-циянинг роли масаласига бағишлаб Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигида ўтказилган тадбир Япониянинг «Жайка» халқаро ташкилоти билан ҳамкорликда уюштирилди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Миллий ахборот агентлигида жамиятимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг ёритилиши масаласига бағишланган семинар ўтказилди.

● **БАДИЙИ** академиянинг Марказий кўرғазма-лар залида наманганлик rassom Хайдарали Усмонов томонидан яратилган асарлар кўрғазмаси намойиш этилди. Ушбу кўрғазма «Наманган навалари» деб номланди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

ДИҚҚАТ, ВИКТОРИНА!



«ОСИЁ ТЕННИСИ ҲАҚИДА НИМА БИЛАСИЗ?»

Яна бир неча кундан сўнг шахримиздаги «Тошкент теннис маркази»да Осийё чемпионатининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Шу муносабат билан Ўзбекистон теннис федерацияси ҳамда «Тошкент оқшом» ва «Вечерний Ташкент» газеталари ҳамкорликда «Осийё теннисини ҳақида нима биласиз?» мавзусида викторина ташкил этди.

Викторина шартлари унча қийин эмас. Сиз, азиз газетхонлар, атиги бешта оддий саволга жавоб беришингиз лозим. Улар қуйидагича:

1. Қаерда ва қачон теннис буйича биринчи Осийё чемпионати ўтказилган?
2. Ўзбекистон қачон Халқаро теннис федерацияси таркибига кирган?
3. Осийё чемпионати голиби қайси турнирнинг «wild card»ини олишга муваффақ бўлади?
4. 2002 йилдаги Осийё чемпионатида ўзбекистонлик теннис юлдузларининг эришган асосий ютуқлари ҳақида нима биласиз?
5. «Осийё чемпионати-2002» турнирининг аёллар ва эркеклар ўрта-

сидаги мусобақаларида ким голиб бўлган?

Мухтарам газетхонлар, агарда сиз «Осийё чемпионати-2003» руқни остида чоп этилаётган материалларни ўқиб борсангиз, викторина голиби бўлишингизга шубҳа йўқ.

Газеталаримиз муштарийси сифатида ўзингизни синаб кўринг ва сизни Ўзбекистон теннис федерациясининг ажойиб совғаси кутмоқда.

Викторина саволларига жавобларингизни 24 сентябрга қадар қуйидаги манзилга жўнатинг: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 220-хона, тел:133-99-42.

XXI аср сақоси

Барча маълумлардан олган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

- Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик судида Германия техникавий ҳамкорлик жамияти билан биргаликда «Судлар мустақиллиги: суд тузилиши ва судларда икки ташкил этиш» мавзусида халқаро семинар уюштирилди.
- Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида ўтказилган Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридида Вогага етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг навбатдаги йиғилиши Жиззах, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида ижтимоий ҳимояга муҳтож ўғил-қизларни қўллаб-қувватлаш масалаларига бағишланди.
- Мамлакатимизда амалга оширилаётган «Саломатлик» лойиҳасига мувофиқ Қорақалпоғистондаги тиббиёт муассасаларига замонавий тиббиёт техникалари билан жиҳозланган 17 та «Тез тиббий ёрдам» машиналари ажратилди.
- Республикаимиз умумтаълим мактаблари ўқув режасига саломатлик дарслари ҳам киритилди.
- Ангрнда «Иссиқлик манбаи» корхонасига қаршали 13 та марказий иситиш шохобчаси, 7 та қозонхона, насос станциялари қишки мавсумга шайлаб қўйилди.
- «Кўқонқим» акциядорлик жамияти жамоаси Россиянинг «Гипрохимнаука» илмий-тадқиқот институти мутахассислари билан ҳамкорликда 2 турдаги янги маҳсулотнинг намуналар туркумини тайёрлашга эришди.
- Куйичирчиқ туманидаги Дўстлик ширкат ҳўжалигида каровсиз ётган спорт мажмуаси таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Бунинг учун 70 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

Жаҳонда

- Собик Америка генерали ва НАТО қўмондони Уэсли Кларк 2004 йилда бўлиб ўтадиган АКШ Президентлигига сайловларда иштирок этишини расман эълон қилди.
- Швеция Ташқи ишлар вазири Анна Линднинг қотили деб гумон қилинаётган шахс мамлакатнинг «Росунда» стадионида қўлга олинди. Гувоҳларнинг айтишича, у қотилга жуда ўхшайди.
- Оқ уй Атлантика океани томонидан АҚШнинг шимолӣ қирғоғига яқинлашаётган «Изабел» бўронига тайёрланмоқда. Бўрон пайтида Вашингтон федерал округида барча давлат муассасалари, мактаблар, коллежлар, метро, темир йўллар ва аэропортлар ёпиб қўйилади.
- Россия Федерациясининг Саратов вилоятида «Ту-160» стратегик бомбардимончи самолёти ҳалокатга учради. Экипаж 4 та аъзосининг тақдирини ҳозирча номаълум.
- Непалда ҳукумат қўшинлари ва муҳолифат кучлари ўртасида бўлиб ўтган қуроли тўқнашувлар оқибатида 55 киши ҳаётдан кўз юмди.

Сўраш,
жавоб берамиз

Иш берувчининг (ташкilot маъмуриятининг) алимент ушлаб қолиш мажбурияти қандай?

К.Қаюмов, ишчи.

Алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг иш жойидаги иш берувчи ёки пенсия, нафақа, стипендия олаётган жойидаги ташкilot маъмурияти алимент тўлаш тўғрисидаги нотариал тартибда тасдиқланган келишувга ёки ижро қарорига асосан алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг иш ҳақидан ва (ёки) бошқа даромадидан ҳар ойда алимент ушлаб қолиб, алимент тўлаши шарт бўлган шахсга иш ҳақи тўлаган ва (ёки) бошқа даромадлар олинган кундан бошлаб, уч кундан кечиктирмай алимент олувчи шахсга алимент тўлаши ёки алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг ҳисобидан унга ўтказиши шарт.

Ўлимни қайд этиш тартиби ҳақида билмоқчи эдим.

С.Жабборов, пенсионер.

Ўлимни қайд этиш марҳумнинг яшаш жойи ёки ўлим содир бўлган жойдаги фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзиш органи томонидан амалга оширилади.

Фуқарони вафот этган деб эълон қилиш ҳақидаги суднинг ҳал қилув қарорига асосан ўлимни қайд этиш мазкур қарорни чиқарган суд жойлашган ердаги фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзиш органи томонидан амалга оширилади.

Ҳаётининг биринчи ҳафтаси давомида ўлган болаларнинг туғилганлиги ва ўлими тиббий муассаса жойлашган ердаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органида қайд этилади.

Ўлим содир бўлганлиги ҳақидаги ариза ўлим содир бўлган кунни ёки мурда топилгач, уч кундан кечиктирмай берилиши зарур.

Ўлимни фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органида қайд этмасдан марҳумни дафн этиш таъқиқланади.

Бир дугонам ананас сепкиллари рангсизлантиради, юзга жило баш эади, деб гапириб қолди. Шу тўғрими?

Н.Умрзоқова, талаба.

Баъзида сепкиллари бутунлай йўқотиб юборишнинг илоҳи бўлмайди. Лекин озми-кўпми уларни рангсизлантириш ва улардан қутулиш мумкин. Ана шундай рангсизлантиришда ананас ёрдам беради. Ҳафтасига ҳеч бўлмаганда икки марта ананасдан фойдалансангиз бўлади. Бунинг учун 1 ош қошиқ сиқиб олинган ананас сувига 1 ош қошиқ қатиқ, 1 ош қошиқ қулупнай, 1 ош қошиқ банан ва 1 чой қошиқ асал солиб яхшилаб аралаштирасиз. Тайёр махсуслотни сепкиллари бор жойга суртасиз. 20 дақиқадан сўнг илҳис сув билан ювиб ташлайсиз. Ананасли ниқобни қаймоқ қўшиб ҳам тайёрлашнинг мумкин. Бунинг учун ананаснинг юмшоқ қисми олиниб, унга қаймоқ қўшиб яхшилаб аралаштирилади ва терига суртилади.

Хурматли ҳамшаҳарлар! Ўзингизни қизиқтирган масалалар юзасидан 132-11-39 телефонга кўнграқ қилсангиз, маалаки мутахассислар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

Кўргазмада ўзбек маҳалласи

Бельгиянинг Антверпен шаҳрида «Ўзбек маҳалласи: одамлар, анъана ва урф-одатлар» фотокургазмаси очилди. Факатгина юртимизга хос бўлган ўзи-ўзини бошқариш органи — маҳалла институтини Европа марказида тағриб этишга қаратилган ушбу кўргазма Ўзбекистон бадий академисси, «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳамда Ўзбекистоннинг Бельгиядаги элчихонаси томонидан ташкил этилди.

Мохир сураткашларимизнинг ўзбек маҳалласи ҳаёт тарзини акс эттирувчи 60 дан зиёд фотосуратлари, зардўзлик, каштачилик, ганч ўймакорлиги ҳамда халқ амалий хунармандчилиги намуналаридан иборат ушбу кўргазма йигилганларда катта таассурот қолдирди.

Мамлакат ташқи ишлар вазирини Лун Мишель «Ўзбек маҳалласи: одамлар,

анъана ва урф-одатлар» кўргазмасининг очилиши муносабати билан йўллаган мактубида мазкур кўргазма Ўзбекистон ҳамда Бельгиянинг икки томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган муштарак мақсадлар сари интилаётганининг ёрқин исботи эканини таъкидлади. Жумладан у кўргазманинг икки давлат ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатлилик

руҳини мустаҳкамлашга хизмат қилишига алоҳида тўхтади.

Очилиш маросимида сўзга чиққан Антверпен вилояти губернатори Камиль Паулус кўргазмада намоиш этилган экспонатлар Ўзбекистоннинг бой тарихи ва маданиятидан дарак беришини эътироф этди. — Ўзбекистонда 2003 йилнинг Обод маҳалла йили дея эълон қилинган бир пайтда Бельгияда мазкур кўргазманинг ўтказилиши алоҳида аҳамиятга молик, — дея таъкидлади К.Паулус.

«Ўзбек маҳалласи: одамлар, анъана ва урф-одатлар» кўргазмаси Антверпен шаҳридан кейин НАТО бош қароргоҳи ва Европа парламентида давом этади.

Ж.МУТАЛОВ,
«Жаҳон» АА,
Брюссел.

КўЧА ҲУСНИГА ДОҒ

Уста Ширин кўчаси ҳамisha озода ва батариблиги билан ўз номига муносиб бўлиб келган. Яқинда йўлимиз тушиб шу кўчадан ўтиб қолдик. Машинада бораётган уч киши кизгин суҳбатга берилиб кетимиз чоғи, бир зумда шу кўчанинг тепасидан кесиб ўтган Юнусободни Эски Жўва билан боғловчи кўприк тағига етганимизни ҳам билмай қолибмиз. Шунда бирдан ҳамроҳимиз Аҳмадjon Назаров маҳалласи оқсоқоли Собир ҳожи Комилов:

— Анави йўл четидаги манзарани қараглар, — деб қолди.

Минг қилса ҳам оқсоқол-да, биздан кўра синчковлик қилди шекилли, унинг ишораси билан кўзимиз шундоқ обод кўчанинг ўнг томонида пайдо бўлган ахлат уюмига тушди.

— Кенг, серкатлов кўчанинг ҳуснига доғ-ку бу ахир, — деди бу ҳолатга қараб туриб иккинчи ҳамроҳимиз Ҳожибой Тоиров.

Шу гап баҳона йўлнинг икки чеккасини кузатиб бордик. Афсуски, дастлаб биз кўрганимиз бошланиши экан. Машинамиз олға босгани сари икки тарафдаги бетартибликлар, кимларнингдир томонидан бунёд этилган «қўлбола» ахлатхоналар бирин-кетин буй кўрсатиб борди. Кизиги шундаки, шу чиқиндиҳоналарнинг рўпарасида бир қатор хашаматли уйлар жойлашган. Бир кунда уларга шу хонадонларда яшовчи оила аъзолари неча бор кириб чиқишади. Назаримизда улар ҳам бу аҳволга анча кўнигиб қолишган шекилли, бўлмаса эшиклари тағида пайдо бўлган бу тартибсизликларга йўл қўйишмас, ҳеч бўлмаса ҳар йўли билан уларни аллақачон батариб этиб қўйишган бўлишарди. Ҳатто йўл четидаги ариқлар ҳам турли-туман чиқиндиларга тўлиб-тошиб ётганлиги шундан далолат бериб турибди. Хуллас,

вермайди. Ўша сиз айтган баъзи бир гуруч орасидаги курмаклар, ўзга фидойи ҳаммасблари шаънига доғ тушириб юришади-да.

— Гапингиз балки тўғридир. Лекин чиллаки чиллакини кўриб чумак урганидек, улар орасида менимча юлғичлари ҳам кўпайиб бораётгандек кўринади. Айниқса, инсон ҳаёт-мамотига масъул бўлган шифокорлар орасида ўз муқаддас касамини оёқ ости қилиб юрганларнинг бўлиши ҳар қандай кишини ташвишлантиради.

Мана мэн ўзим яқинда айтилган сармоёни тўлаб, пуллик бўлимда даволаниб чикдим. Маслаҳат солсам: «Пуллик бўлимга ётсангиз, барча муолажаларга кетадиган харажатлар касалхонамиз ҳисобидан қопланади», дейишди. Жон ширин. Қалампирни аччиқ чайнаб бўлса-да, айтилган пулни тўладим. Қарабсизки, иккинчи кундан бошлаб майда харажатлар бошланди. «Бизда унақа дори бор, бунақаси йўқ. У ҳам шунинг ўрнини босиши мумкин, лекин шунақасидан бўлса сизга кўпроқ фойдаси тегади», қабилидаги гаплар қилинди. Ноилж «Майли ёзиб бера қолинг», дейман. Уйдагиларга бераман, олиб келиб беришади. Шунақа «буюртма»дан уч-тўрт марта бўлувди, хотиним: «Адаси, пуллик бўлимда ётганингиз нима-ю, бизга ҳар кун унақа дори олиб кел, бунақасидан олиб кел деганингиз нима?», деб қолди. Мана шунақа ҳолатлар содир бўлиб тургандан кейин, биз кабилар нима дейишимиз мумкин...

Қарасам, мавзу чуқурлашгандан чуқурлашиб борадиган. Унга яқун ясаш учун дедим.

— Ким қилса, нима қилса ўзига. Лекин қилмиш — қидириш. Ҳеч бир нарса без кетмайди. Яхшиликнинг ҳам, ёмонликнинг ҳам охир-оқибат натижаси бўлади. Ҳадиси шарифда: «Қўлидан ва тилидан ўзгаларга озор бермаган киши

ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

шу кунни кўприк остидан то полковник Хўжаев кўчасига етгунча шундай ноҳуш манзараларнинг гувоҳи бўлдик.

— Бизнинг маҳалламиздаги кўчаларда яшовчи баъзи бир ўзбошимчалар томонидан шундай ҳолат содир этилса дарҳол унинг олдини оламиз. Ўша тартиббузарларни аниқлаб, уларга белгиланган чорани кўрамыз. Кўпчилик кучи билан бир-икки соатлик хашар уюштириб ўша жойни тартибга келтирамыз. Ахир, бу худуд ҳам қайсидир маҳаллага қарашли-ку. Наҳотки уларнинг оқсоқоллари кўчадаги бу номаъқулчиликлардан беҳабар бўлишса, — деди Собир ҳожи Комилов.

Биз ҳам шу ҳақда ўйланиб қолдик. Наҳотки, ўтган кетганга аён бўлган бу манзара маҳалла оқсоқоли ёки фаоллар нигоҳидан четда қолаётган бўлса?

БЕШ ҚЎЛ БАРАВАР ЭМАС

Суҳбат мавзуи касалхона ва шифокорлар ҳақида борарди. Давра тўрида ўтирган эллик ёшлар чамасидаги киши сўз олиб деди.

— Шифокорларга раҳмат. Уларнинг ёрдамида кунни кеча қизимиз оғир операцияни бошидан кечириб, соғайиб яна бағримизга қайтди.

— Мушук текинга офтобга чикмагандир, — деди ёнмаён ўтирган йигит унга сўз қотиб.

— Тушунмадим.

— Ўзингизни содалликка олманг, ўша қизингизни операция қилган жарроҳ сиздан қанча сўради, демоқчиман.

— Э ҳа, гап бунда денг. Жарроҳ керакли дори-дармонлар, операция вақтида ишлатиладиган баъзи бир майда-чўйдаларни ёзиб берди холос. Вақт ўтказмай, тезда етказиб бердик. Бошқа сарик чақа ҳам олмади.

— Жуда ошириб юбордингиз-да, ака. Оғир операцияни бўйнига олган одам ҳеч бўлмаганда қўл ҳақи сўрайди-ку. Бунақа воқеа бизнинг ҳам бошимиздан ўтган. Мана мэн ўзим яқинда касалхонада даволаниб чикдим. Ўлим тушадига ётган бир беморни то таниш-билишлари уйдан айтилган пулни олиб келмагунча операция қилмай ўтиришди.

— Энди ука, беш қўл бараваар эмас-да. Биров ундоқ, биров мундоқ, Тўғри, мэн ҳам шунақа кўнгилисиз воқеаларни одамлар оғзидан эшитганман. Лекин шифокорлар ичиде ўз касбига содиқ, беморнинг чўнтағига кўз олайтирмайдиган ҳалоллари ҳам кўп. Ҳамма ҳам ўз иқтидорини пулга сота-

яхшиларнинг яхшисидир», дейилади. Ана шундан тегишли хулосани чиқариб олаверинглар.

Шу гапдан кейин суҳбатимиз бошқа мавзуга кўчди.

ЙЎЛ НАЗОРАТЧИЛАРИ, ҚАЕРДАСИЗ?

Ҳ.Асомов ва полковник Хўжаев кўчалари кесишган жойда яшил чироқ тез-тез ишламай қолиши одат тусига кирган. Шундай кезларда йўловчилар туғул, машиналар қатнови ҳам оғирлашади. Бу йўл чорраҳа — икки томон катта кўча бўлгани учун машиналар бир-бирига йўл бермай, тикилиб қолишади. Хайдовчилар хуноб, йўл талашиб уришган, сўкишган. Қизиги шундаки, худди шундай кезларда ўчакишгандек Ҳ.Асомов кўчасига бурилиш жойида йўл ҳаракатини синчковлик билан кузатиб турадиган, қонидани бироз бўлса-да четлаб ўтган хайдовчиларга дарҳол тўхташ ишорасини қиладиган йўл назоратчилари кўринмай қолишади.

— Аҳволни кўдингизми, — дейди бизни машинасида манзилимизга элтаётган хайдовчи. — Ҳозир биттагина назоратчи йўлнинг ўртасида туриб машиналарни тартибга солиб турса, олам гулистон. Яшил чироқ ишлаб турган вақтларда улар уч-тўртталаб бурчақда туриб олиб ҳуда-беҳудага асабингизга тегиб, машиналарни тўхтавертишади. Бунақа зарур вақтларда эса, қораларини кўрсатмайди.

Хайрият, ур-сур билан машинамиз бурилиб Ҳ.Асомов кўчасига ўтиб олди. «Истиклол» ошонхонаси ёнидаги кўприк устига келганда машиналар тикиндан яна тўхтаб қолди. Тўхтаб-тўхтаб, олға томон силжиб бориб қарасак, кўприкдан бир оз нарида иккита машина бир-бири билан тўқнашиб кетибди.

— Энди назоратчилар етиб келгунча, пачоқланган машиналар ўткинчи транспортлар йўлига гов бўлиб кўча ўртасида тураверида, — дейди хайдовчимиз баттар асабийлашиб.

— Ҳой укалар, — бизга ишора қилди пачоқланган машиналардан бирининг хайдовчиси. — Барака топинглар. Агар йўл-йўлақай кўзингиз тушиби биров-бир йўл назоратчисини учратиб қолсангиз, унга воқеани тушунтириб беринг. Зудлик билан етиб келсин. Ахир қачонгача бу аҳволда турамиз.

Савоб бўлар, дея борар жойимиз қолиб, йўл назоратчиларини излаб кетдик.

Шарҳ дурдоналари

03-03 ҲАҚИМ ДОМО БУЛГАҲ...

- Тўғрилиқ одамни балодан кутаради.
- Тўғрилиқ — ваъдага вафо, сўзда туришликни лозим топади. Берган ваъдасида, сўзида турган одам бугун берган ваъдасини эртасига бузмайди, ваъдасида қаттиқ туради.
- Ваъдаларнинг офати — кечиктиришдир.
- Ваъданинг вақти ўтиб, ваъда қилувчи ўз айбига мақбул бир уэр кўрсатмаса, ҳар ким уни ваъдага вафодор одам деб билмайди.
- Арасту Ҳаким айтди:
 - Тўғри сўзлаб, тўғри ишлаб вафот этиш ёлгончи бўлиб узок яшадан кўра хайридир.
 - Ҳар кимки сўзи ёлгон, ёлғони зоҳир бўлгач у ёлгон. Ёлғонини чиндек айтувчи суҳанвар — қумушни олтун била рўқач қилгувчи заргар.
 - Кимки ўз ёлғонидан уялма-са, у икки қарра айбдор.

Хикоят:
Донишманд қози олдига уч бандини келтирдилар.
— Таксир, хузурингизда турган мана бу уч айбдорга лозим бўлган ҳазони белгилаб берсангиз.
Қози калон биринчи айбдорга мурожаат этиб сўради:
— Қани тўғрисини айтнинг бўтам, ўзгаларни ранжитадиган нима иш қилдингиз.
— Бола-чакам кўп. Етишмовчилик. Шунга бир яқин танишимдан озгина қарз кўтарган эдим. Қўлим қалталиқ қилди-таксир. Ўз вақтида қарзимни тўлолмадим. Айбимга иқроман. Иложи топилди дегунча албатта қарзни тўлайман.
Қози калон иккинчи айбдорни сўроққа тутди.
— Билмай шаққоқлик қилиб қўйдим. Айбдорман. Ўзим оддий деҳқонман. Томорқамга бироз картошка экиб эрдим. Яхши ҳосил кўтардим. Уни бозорга элдим. Ҳали тош-тарозни олишга улгурмасидан бир харидор келиб иши шошқилигини айтиб 10 килограмм картошга тортби беришимни сўради. Шу инсоннинг ҳожатини чиқарай деб, қўшни тароздан фойдаландим. Харидор картошкани олиб юнади. Кейин чамаси юки кам кўринибди шекилли, уни бошқа тарозда тортса 2 килограмм кам чиқибди. Сўраб-сўриштирсак қўшни тарозунинг таг қисми билинмайдиган қилиб эгзовланган экан. Умрим бино бўлиб бировнинг ҳақини емаганман таксир. Харомдан ҳазар қилман.

Қози калон учинчи айбдорга юзланибди:
— Мени ҳеч қандай айбим йўқ. Билмадим. Мендек бир беғуноҳ, ҳалол инсонни хузурингизга бошлаб келишдан муроди не экан буларни.
— Таксир, — дебди уларни олиб келганлардан бири, — Окқорани яхши танийдиган бу мансабдор инсон ўтаетган поракўр бўлиши билан бирга, таниш-билишлар хузурда ҳамиша ўзини покдомон кўрсатиб одамларга фақат ҳалоллик ҳақида ваъз айтиб юраркан.

Қози калон ўйланиб бир қарорга келибди:
— Деҳқон билан қарздор киши имконияти топилди дегунча қарзини тўлаш шарти билан овоз қилинсин. Улар шундоқ ҳам қилган ғуноҳларига пушаймондирлар. Айби бўла туриб ўзини оқ, ўзгаларни қора қилиб кўрсатмоқчи бўлган мана бу поракўр, ноҳалол киши эса жазога тортилсин, — деб ҳукм чиқарибди.

• Одамларнинг қанчалик ростиғулиги ахлоқий баркамоллиги тарозудир.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

Тошкент шаҳар «Камолот» Ёшлар ижтимоий ҳаракати

«Севимли шахрим» акцияси доирасида «Дилнимдасан-пойтахтим» энг яхши эстрада кўшиқлари манзусида кўрик-танловини эътио қилади

Кўрик-танлов шартлари:

Икромчиларнинг ёши ҳисораланмаган;
Танловда ҳаваскорлар ва профессионал икромчилар қатнашиши мумкин;
Кўшиқ ишк бора икром этилиши керак;
Кўшиқ сифати аудиоускуналарга (минидиск, CD) ёзилши керак.
Тавлифлар 1 октябрга қабул қилинади.

Севимли ШАХРИМ

Энг яхши кўшиқ эътибори ҳақимлар ва радиомузикалар танловидан айланмади.

Маълумотлар
ТВУ телеканали, «Пойтахт-информ» радиостанцияси, «Тошкент оқишони», «Бечерний Ташкент» газеталарида.

www.tashkentkamolot.uz
Макаси: Тошкент шаҳар, 700006, Маворуйуллар кўчаси, 14
Маълумот учун телефонлар: 133-21-05, 133-38-03

«Радиодеталлари» дўкони ҳар хил турдаги радиодеталлари, электрон техникаси, аудио-видео ва ўлчаш аппаратураларини харид қилади ва сотади.
Телефон: 68-93-93

Янги «Чайка», «Веритас» тикув машиналари сотилади.
Т: 22-98-05

«ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ» РЕСПУБЛИКА БИРЛАШМАСИ
Тошканбой Эгамбердиев номли Тошкент Давлат цирки

2003 йилнинг бутун сентябрь ойи давомида КUZГИ БАЙРАМ КАЙФИЯТИ ДАСТУРДА:

МОНТЕ КАРЛО совриндорлари, олтин нишон соҳиблари ЧАВАНДОЗ ЙИГИТЛАР
ОРИГИНАЛ ЖАНРЛАР АРТИСТЛАРИ
ЎРГАТИЛГАН КАБУТЛАРЛАР
ҲАВО ГИМНАСТЛАРИ
«Ҳиндистон» номли шагамлардаги ФАНТАЗИЯЛАР
ТУЯЛАРДАГИ АКРОБАТЛАР
КУВНОҚ МАСХАРОБОЗЛАР ЖУФТЛИГИ

Томошалар:
Жума кунлари 18.00 да шанба, якшанбада 12.00, 15.00, 18.00 да бошланади.
Чипталар цирк кассаларида сотилмоқда. Ҳақ турли шаклда тўланиши мумкин.
Касса 9.00 дан ишлайди.

Маълумотлар учун телефонлар:
144-29-04, 144-35-91, 144-32-23.

Ки бу мирьотким гетинамо дур,
Анга хуршедча нуру сафо дур.
Эрур Искандари Румий ни гори,
Жаҳон ахлига онинг ёдго ри.
Неча йил ранж тортиб бе мадор,
Бу пайкар нақши бўлди ошқоро.
Бу кўзгуким эрур ҳикмат жаҳони,
Тилисмидур шигарф анда нихони.

XIX асрнинг иккинчи ярмида

тарихий воқеани тасмаларга муҳрлаганлар. Кейинчалик мажкур кинолаҳна кинотеатрларда намойиш қилиб кўрсатилган. Электрон телевидениенинг расмий синовларида қатнашган, Урта Осиё давлат университетининг профессори Н.Златовратский раислигидаги махсус комиссия аъзолари баённома тўзиб, унда синов тафсилотларини қайд этганлар. Мажкур ҳужжатда Б.Грабовский ва И.Белянскийлар бажарган иш илмий жиҳатдан ҳам, амалий жиҳатдан ҳам қимматли экани ва улар амалда машҳур олим Б.Розинг илмий хулосаларининг тўғрилиги-

чиларнинг жаҳон телевидениеси тараққиётига қўшган ҳиссалари ҳақида тўлиқ маълумотлар келтирилган.

1965 йил 28 октябрида Б.Грабовский ҳамда И.Белянскийларга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иктирочи» фаҳрий унвони берилган. Мустақилликка эришганимиздан кейингина миллий кадр-иятларимизни тиклаш — шонли тарихимизни теран идрок этишга имконият туғилди. Бир қатор давлатларнинг ман-ман деган олимлари бош қотириб, ечимини топпмай турган бир пайтда бизнинг юртдошларимиз билим ва маҳоратлари, илмий салоҳиятларини ишга солиб жаҳон электрон телевидениеси тараққиётининг аниқ йўлини кўрсатиб бердилар ва уни а м а л д а исботлашга муваффақ бўлдилар.

БАТАН — ЯГОНА, БАТАН — МУҚАДДАС

Шу йилнинг 20 сентябрь кун «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар кенгаши, «Туркистон» ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Миллий боғида «Ватан — ягона, Ватан — муқаддас» мавзусида ёшлар сайлини ўтказди.

— Сайил аънаваний тарзда икки йилдан бери ўтказиб келинмоқда, — деди «Туркистон» газетаси муҳбири Зиёда Ашурова «Туркистон-пресс» муҳбирига. — Ёшлик — бу беғуборлик. Орузу ва умидлари бисёр давр ҳисобланади. Айниқса, илм даргоҳига энди қадам қўйган талабалар учун. Улар билимлар чўққиси сари интилишади. Сайлимизнинг асосий мақсади талабаларнинг даврини тотли хотирага айлантириш, ёшларимиз қалбида Ватанга муҳаббат туйғусини шакллантириш, уларнинг маънавий дунёқарашини бойитиш ҳамда иқтидорли ёшларни тарғиб этишдан иборат.

З.Ашурованинг таъкидлашича, сайилда иқтидорли ёшларнинг техник кўргазмалари, ёш санъаткорлар иштирокидаги бадий дастурлар намойиш этилади. Сайилда ёшлар қизиқувчан, интилувчан, истеъдодли тенгдошларнинг иходини ўрганиб, уларнинг маҳоратини баҳолаш имкониятига эга бўлишади.

— Табиат қўйнида дам олсангиз, ишингиз умумли бўлади, — деди Миллий боғнинг бадий раҳбари Мавлуда Комилова. — Ёшлар билан маданий масканларда турли вайронлар, қарнавал, сайил ҳамда ўйинларни тез-тез ўтказиб турсак, оғуфурлиқ, турли салбий оқимларга эргашиларнинг олди олинган бўларди, деб ўйлайман.

«Туркистон-пресс»

КАШФИЁТЛАР ТАРИХИДАН

БУ КЎЗГУКИМ ЭРУР ҲИКМАТ ЖАҲОНИ

Узоқдан туриб кўришга имкон берадиган асбобни яратиш гоёси асрлар мобайнида инсонларни тарқ этмади. «Ойнаи жаҳон», «Жоми Жамшид», «Искандар кўзгуси» ҳақидаги афсона, ривоятлар шарҳ халқлари ўртасида кенг тарқалган эди. Шунга ўхшаш афсона, ривоят, қиссалар Осиё, Африка, Европа халқлари озгаси иждодида, ёзма адабиётда ҳам учрайди. Буюк бобомиз, шоир ва мутафаккир Алишер Навоий «Фарҳод ва Ширин» дostonида «ойнаи жаҳон»ни тафаккур қуввати билан шундай тасвирлаган эди.

Унинг эътиборини қозонган, ёрдамидан баҳраманд бўлган шо-гирдлари орасида ўзбекистонлик иктирочилар Б.Грабовский ҳамда И.Белянскийлар бор эди. Улар электрон телевидениени биринчи марта Тошкентда муваффақият-ли равишда фахрланамиз. 1928 йилда Республикаимиз солномасига ажойиб саҳифа битилди. Уша йили 26 июль кун Тошкентда Урта Осиё алоқа округи биносида ҳамюртларимиз яратган ҳамда ҳаракатланувчи тасвирларни электрон нур ёрдамида узок масофага узатиб ва қабул қилиб оладиган аппарат — «радиотелефот» муваффақиятли синовдан ўтди. Аппарат тахт қилиниб қоқ пешинда электр токига уланганда их-чамгина экранда И.Белянскийнинг юриб тургани ҳам, бир неча марта бош кийимини ечиб-кийгани ҳам равшан кўринди. Шундан кейин иктирочилар ва комиссия аъзолари ўринларини алмаштириб бир-бирларини экранда кўришди. Шу тариқа жаҳонда энг биринчи телевизор иш бошлаб, афсоналар ҳақиқатга айланди. Орадан бир неча кун ўтгач янги иктиро Тошкентдаги собиқ «Хива» кинотеатрининг ёнида одамларнинг кўз ўнгига ҳиб кўрсатилди. Экранда одамлар, юриб кета-ётган трамвай ва бошқа транспорт воситалари тасвири кўринди. Ўзбек кинохужжатчилари бу

ни исбот қилганликлари айтиб ўтилган. «Радиотелефот» ўзида хозирги замон телевизион тизимининг барча элементларини муҳасамлаштирган эди. Тошкентда ўтказилаётган тажрибалардан Ўзбекистоннинг ўша пайтдаги раҳбарлари хабардор эдилар. Ихти-роний маблаг билан таъминлаш масаласи ҳукумат йиғилишида алоҳида кўриб чиқилган. Электрон телевидение синовлари ҳақида Республикаимиз марказий газеталари бир қатор материаллар эълон қилганлар. Расмий ва но-расмий синовлар тугагач, «радиотелефот» Москвага юборилди. Бироқ уни узок манзилга беши-каст етказишнинг иложи бўлмади. Йўлда у парчаланиб кетди.

Ўзбекистон Республикаси мар-казий давлат архиви, Россиядаги архивларда Тошкентда теле-видение соҳасида амалга оши-рилган ишларни тасдиқловчи қўллаб-муътабар манбалар сақ-ланмоқда.

Тошкентлик иктирочиларнинг кашфиётларини радиотехника ва электроника бўйича халқро мат-бодат уюшмаси ҳамда БМТнинг фан, маориф ва маданият бўйи-ча халқаро бўлими — ЮНЕСКО ҳам эътироф этган.

1990 йилда Россия пойтахти-да рус олими В.Урваловнинг «Те-левидение тарихидан очерклар» китоби босилиб чиқди. Мажкур китобда ҳам ўзбекистонлик иктиро-

чи билан ватанимиз тарихида олтин саҳифа битганлар. Бу каш-фиёт юксак идораларда тан олин-гани, халқро миқёсда эътироф этилгани билан шўролар даври-да унга етарли эътибор берилма-ди.

Мажкур кашфиёт тарихимизда Ўзбекистон шаънини улғувоғчи муҳим амалий-техникавий, тарих-ий аҳамиятга эга воқеа эканли-гини эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академия-си иктирога оид ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, 2000 йил 4 май кун тегшли қарор қабул қилди. Унда, жумладан шундай дейла-ди: «Б.П.Грабовский ва И.Ф.Бе-лянскийларнинг 1928 йилда Тош-кентда олиб борган тадқиқотла-ри телевидение ривожига маълум ижобий ҳисса қўшганлиги тан олинсин. Узатуғчи ва қабул қилув-чи станцияларда электрон нур мосламаларини қўллаш мумкин-лиги биринчи бор исботланди. Бу эса ўз навбатида бутун дунё теле-видениеси ривожига қўшилган ҳисса бўлиб, Ўзбекистоннинг бу соҳадаги устунлиги тан олинши-ни таъминлайди».

Электрон телевидение ватани — Ўзбекистон, у туғилган жой азим Тошкентдир.

Биз халқимизга, инсониятга телевидениени армуғон қилган юртдошларимиз билан ҳар қанча фахрланаск арзийди.

Мирза Анавар КАРИМОВ

• ТУРФА ОЛАМ

ЕРНИНГ ЭНГ УЗОҚ ЎЛКАЛАРИ

Хаммаси бўлиб уч юз кишигина яшовчи вулқондан ҳосил бўлган орол Жанубий Атлантикадаги Тристанда—Куньядир. Оролга энг яқин бўлган одам яшайдиган жой ҳам орол бўлиб, бу ундан 2120 километр узокликдаги Авлиё Еленадир. Африка китъасигача бўлган масофа эса 2740 километрни ташкил этади. Ернинг одам яшамайдиган энг узок қисми Буве ороли бўлиб, у ҳам Жанубий Атлантикададир. Унга энг яқин куруқлик Антарктидадаги Малика Астрид Қиргоғидир, булар орасидаги масофа 1780 километрни ташкил этади.

МАРСДА РАСАДХОНА ҚУРИШ ЛОЙИХАСИ

Марс ўзининг тузилиши ва баъзи хусусиятлари билан она заминимизга ўхшайди. Ернинг йўлдоши битта бўлса унда иккита — булар Фобос билан Деймослар бўлиб, 1877 йили очилган. Атмосфераси зичлигига тенгдир. Марс тортиш кучи ерникининг 38 фоизини ташкил этади. Ердан фарқи ўлароқ Марсдаги вулқон тоғларини Куйи системасининг ажойиб мўъжизаси деб айтадилар. Улардан Олимп, Арсия, Павонис ёки Аскрскилар жуда баландлиги билан ажраладилар. Масалан, Олимп вулқон тоғининг баландлиги 27 минг метр бўлиб турувчи ва бутун сайёра юзасини ларзага келтирувчи бўронлар миллиард тонна чангни 15-17 километр баландликка кўтариб юборсада, Марс осмони доим тоза туриши билан ажралади. Айниқса, вулқон тоғлари шунда ҳам бемалол кўришиб турадилар. Шунинг учун ҳам олимлар ана шу баландликлар тепасидаги расадхоналар қуриш лойиҳасини ишлаб чиқмоқдалар. Асқоб-усқуналар ердан космик аппаратларда олиб борилиб, ана шу баландликларга ўрнатилади ва кузатув ишлари бошланади. Кузатувларни Марсда давом этадиган йил давомида, яъни 669 марс суткасида «ёки 687 ер суткасига тенг вақт ичида» амалга ошириш мумкинлиги қулайлик тугдиради. У ердан туриб 6 ой давомида кўришиб турадиган сомон йўлини, кўёш тизимини юлдузлар ва бошқа осмон jismlарини тўлиқ кузатиш имкони туғилади. Улар билан бир қаторда турли вақтни ўз ичига олган Марс кузи, қиши, ёзи ва баҳорини кузатиш кўзда тутилади. Планета шимолий ярим шарда баҳор кўзга қараганда 52 кунга ортиқлиги билан фарқ қилади, худди шунга ўхшаш баҳор билан ёз 371 кеча-кундузи, куз билан қиш эса 298 кунни ташкил этади. Марсдан туриб кузатиладиган барча сайёралар, шу жумладан айниқса Зухро яхши кўринадди, ялтираб нур сочиши билан ажралади. XXI аср ўрталарида амалга оширилиши мўъжжаланаётган бу улкан ва мураккаб ишга бутун жаҳон олимлари хисса қўишлари кутилмоқда.

Тошкент шаҳар Урта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси ва касаба уюшмаси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари, Урта махсус, касб-хунар таълими маркази раҳбари Жуманазар Хусановга волидаи муҳтарамаси

ХИКОЯТ аянинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

Уч-тўрт кун ўриқдан қўшнингиги томига, ундан невараларнинг қувурдан ясалган арғимчоғига ва яна ўрикка учиб ўтиб юрган бўйдоқ меҳмон ниҳоят маҳаллий мусичаойлар орасидан ўз жуфтини топди. Янги келин-куёв ён қўшнимиз уйига айвонимиз бўғоти туташган жойга ин қуриш тарадудини бошлаб юборишди. Қинғир-қийшиқ, ингичка қуриган ўрик шохлари ва хас-чўпларни гоҳ куёв бола, гоҳ келин бола таший бошлашди. Ин қуришга келганда қушлар ичида энг билимсизи, энг дангасаси, бўлмиш бу жониворлар анча қийналишди. Келтирилган қурилиш материални жой-жойига тартиб билан қўя олмаслик оқибатида улар ерга тушиб кетаверди, кетаверди. Ўрнига хас-чўп қайта-қайта ташиллаверди, ташиллаверди. Ниҳоят не-не машаққатлар эвазига ин битди ҳисоб.

Бўлажак она энди тухум босишга чўкди. Бўлажак ота эса ёстиқдоши атрофида парвона. Севгилисига ҳар кун оёқ ташигани-ташиган. Зурриёт қуриш иштиёқи уни асло чарчатмайди. Кунлар кетидан кунлар ўтди. Наридан-бери аранг қурилган инда полапоннинг боши кўринди. Ана энди уни ўстириб, учирма қилиш ташвиши ҳам ота, ҳам она зиммасида бўлади. Бир гал ота каерларгадир учиб кетиб, бўғзига йиғган лўқмани ўзи ютиб юбормай боласига илинса, бир гал жафокаш она бу ишни такрорларди. Ниҳоят полапон инидан чиқиб, қинала-қийнала ўзи мустақил уцадиган бўлиб қолди. Лекин ота ҳам, она ҳам кап-катта бўлиб қолган нурийдасига оёқ едиришни канда қилишмади.

Кунларнинг бирида сўрида чой

ҚИЗИЛ МУСИЧА

(Воқеий ҳикоя)

Яратганнинг қудратига тасаннолар бўлсинки, биз яшаётган мўъжазгина ҳовлига нафақат усти, ҳатто думи, қанотларининг остигача қизғиш бир мусича қаерлардандир учиб келди. Дастлаб «Ҳа, энди қайсидир бегона юртданми ёки атрофдаги бирор тоғ ё қишлоқдан адашиб келиб қолгандир» деб ўйлаб унчалик эътибор қилмадим. Мусичани оиламиз аъзолари ҳам кўриб ҳангманг бўлиб қолишди.

билан уй қурди. Ота бўлиш насиб этди. Хуллас оилалик бўлди.

Шу пайт ўриқнинг қуюқ шохлари орасидан якяю ягона эркатой арғимчоқ устида ўтирган отанинг яғрини келиб кўнди. Ота боласи йиқилиб тушмаслиги учун қанотларининг юқориги қисмини бироз кўтариб яғринини янада кенгайттирди. Бола обдон жойлашиб олгач шу алпозда қимирламай ота устида анча ўтирди. Ажойиб манзара. Ота фарзандини опичлаб эркатламқанда. Бир неча сония ўтган ота яғринидаги боласига қаратиб бошини бурди-да, «Оғзингни оч» дегандек имо қилди. Бола отанинг катта очилган оғзига тумшугини силтаб-силтаб текиб, жиғилдондан оёқ олиб ея бошлади. Ҳа, ота-я, ота! Энди ўзи мустақил учиб, оёқтлана оладиган фарзандига ўзи емай-ичмай оёқ олиб келибди. Тилсиз-жағсиз жониворларнинг яшаш тарзини кўриб ҳайратланасан киши.

Олимлар инсондан бошқа барча мавжудотларни инстинкт билан ҳаёт кечиради деб тушунтиришади. Агар

шундай бўлса, нечун уларнинг ҳар бир ҳаракати, ҳаёт кечириш тарзи инсонларникига жуда-жуда ўхшаб кетади. Устига устига олган нурийдасини меҳр билан овқатлантираётган анави жониворни кузата туриб ҳаёл инсоният оиламига кўчди. «Меҳрибонлик уйи» бир лаҳза кўз ўнгимда намоён бўлди.

Ана, қаранг, дераза олдида мунгли кўзлари жикқа ёшга тўла норасидалар зор-интизорликда отасини, онасини кутмоқда. Ҳар соат, ҳар кун, ҳар ой кутишади. Улар эса бамисоли «Борса келмас» жойга кетгандай бедарак, бешишон. Балки қайсидир гўшада қимлар биландир айшу ишрат суришмоқда. Фарзанди борлиги ҳаёлларига ҳам келмайди шу бегуноҳ гўдак увовлига учрағурларнинг! Улар насл қолдириш, бола парваришлаш, меҳрибонлик кўрсатиш вазифасини виждонан, ҳалол ва бенуқсон адо этаётган анави арғимчоқ устида инстинкт билан (ақл билан эмас) ҳаёт кечирадиган жониворлардан ўрнак олишса бўлмасмикин! Уларда одамгарчилик, инсоф, диёнат, раҳм-шафқат бўлса, бунчаликка боршимасди. Улар маишатбоз, ишратпараст, насл-насаб нималигини билмайдиган манкуртларга айланиб қолишган.

Оз фурсатда жажжигна оила қуришга улгурган, менга қадрдон бўлиб қолган менинг азиз ва ардоқли меҳмоним—қизил мусича! Сен қандай жафокаш, меҳрибон, болапарвар экансан! Тасаннолар бўлсин сенга! Мўъжазгина, сокин хонадонимизга ҳуш келибсан! Ҳовлимизга ҳамisha файз қиритиб, қуқулашиб, яйраб-яшнаб, парвоз қилиб юраверинглар, қушлар ичида энг камтари ва ҳоқисори — менинг беозорларим!

Жаҳонгир ПИРМУҲАМЕДОВ.

БЎШ ВАҚТИНГИЗДА

«F» ҲАРФЛИ БОШҚОТИРМА

Рақам атрофига белгиланган хонадан соат мили йўналишида:

1. Курашда қўлга киритилган зафар.
2. Илдизидан кўпаядиган ёввойи ўт.
3. Баъзи ҳашаротларнинг қуртдан тўла шакланган даври.
4. Шеърый асар.
5. Иштиёқ, ишчанлик.
6. Бошоқли экин ҳосили.
7. Катта элак.
8. Ҳосил уюми.
9. Сув остида дур изловчи.
10. Бамбукнинг яна бир номи.
11. Ўзгаларни алдашга уриниш.
12. Ноз-карашма.
13. Норозилиқдан кўтарилган исён.
14. Нотаниш, ёт.
15. Атоқли ўзбек кино санъаткори.
16. Хитойнинг шимоли-ғарбидаги шаҳар, маъмурий марказ.
17. Торли мусика асоби.
18. Қашқадарё вилоятидаги шаҳар.
19. Мармар қони.
20. Музаффар.

Муаммонома

Очқич сўзлар: 1. Зеб-зийнат буюмларини ясовчи хунареманд—7, 8, 10, 13, 8, 10.


2. Даволовчи табиб—14, 8, 11, 2, 15.

3. Ўтмишда ердан фойдаланганлик учун олинган солиқ—5, 4, 12, 3, 1.

4. Мунозара, тортишув—9, 8, 14, 6.

Очқич жавоблари асосида шакл атрофидаги рақамларда яширинган ҳикматли сўзларни билиб олинг.

Тузувчи **Фозилжон ОРИПОВ**



Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

каттар — 133-29-70; факс — 133-28-95, 133-11-39, факс: (3712) 133-21-56.

Хажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади, 3871 нусхада босилади. Қоғоз биринчи А-3

Душанба, сешанба, chorshanба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Газетанинг шу йил 12 сентябрь сонидан берилган бошқотирманинг жавоблари
Энига: 5. Хитой. 6. Кумуш. 7. Мироб. 10. Коқил. 12. Телефон. 23. Йилнома. 26. Жомий. 27. Арбоб. 28. Лақа. 29. Зомин.
Бўйига: 9. Парламент.
Диагонал бўйича ўнгга: 3. Кулон. 4. Турин. 10. Комилов. 11. Касод. 15. Босмахо-на. 17. Гувох. 18. Собит. 19. Қозимий. 20. Шоқул. 22. Товар. 23. Йилқи.
Диагонал бўйича чапга: 1. Ширин. 2. Бағот. 8. Беқобод. 13. Кузов. 14. Чанок. 15. Синтаксис. 19. Комил. 20. «Шоҳнома». 21. Довул. 24. Арқоқ. 25. Помир.
Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ.
МУАММОНОМА
Очқич сўзлар: 1. Улоқ. 2. «Галдир». 3. Мерос. 4. Қўз.
Мақол — гулдир, сўз чечак.

Нашрни etkazib бериш масалалари буйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтамини» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнигиз мумкин.
Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифланди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.